

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА
САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96 ва 117 моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2016 йил 8 сентябрдаги 568-Ш/СҚ-105-Ш–сонли қўшма қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2016 йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2016 йилнинг 9 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 сентябрь,
№ 727.*